



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
28 январь
ШАНБА
№ 8
(11.811)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ●

Эркин нарҳда сотилади

Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари

ИНСОНПАРВАРЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти изчил ривожланиб бормоқда. Бунга ўтган йиллар мобайнида республика Президенти ташаббуси билан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги моҳиятан мутлақо янги концепциянинг жорий этилиши ва унинг жамият ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашида яққолроқ қўриш мумкин.

Юртбошимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисида сўзлаган «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир» мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизimini янада эркинлаштириш, одил судлов тизими фуқаролар ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг чинакам қафолати бўлишини таъминлаш, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг моҳияти — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг шариъати ва қадр-қимматини, қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим қафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва қонуний фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Утган даврдаги таърифа ва қонунийликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини қўришни янада демократлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд жараёнида айбон ва ҳимоянинг амалдаги тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди.

2000-2004 йиллар оралиғида суд тизимини ихтисослаштириш асосида мукамаллаштириш, жинсий жазоларни либераллаштириш, ишларни қўриш муддатларини қисқартириш, фуқаролик ва жинсий ишларни қўриш чиқилишига апелляция тартибини жорий этиш, кассация тартибини

ислоҳ қилиш орқали одил судловни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида суд қарорлари ижросини таъминлаш тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий тамойиллари ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ суд жазолари органларидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланади, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиш қилиши лозим. Бунинг учун халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш, судларнинг таркибини тақомиллаштириб, янги тузилмалар билан тўлдириб, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, судларнинг ижро этиш ҳокимият ва энг аввало, жойлардаги ҳокимликлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини қайта қўриб чиқиш, адвокатура тизимининг мавқе ва аҳамиятини кўтариш лозим.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган таърибадан хулоса чиқарилган ҳолда қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва тақомиллашуви учун шароитлар яратилди. Умумий юрисдикция судларининг судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш ва уларнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқи Адлия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига ўтказилди. Умумий юрисдикция судларининг

(Давоми 2-бетда).

Анъана давом этади



ТАНЛОВ БОЛИБИ — ЗАНГИОТАЛИКЛАР

Мустақиллик йилларида ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан бу борадаги фаолиятни янада тақомиллаштириш мақсадида ҳар йили тизимда уч босқичли «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловига ўтказиб келинаёпти. Унинг тўғрисида вилоят босқичларида фолиб деб топилган 14 та милиция таянч пункти вакиллари кеча пойтахтнинг «Туркистон» саройида мазкур анъанавий кўрик-танловнинг ҳал қилувчи баҳсида иштирок этдилар. Мазкур пунктлар фаолиятини таҳлил қилишда асосий эътибор уларнинг маданий-маърифий кўргазмалари ташвиқот лавчалари билан жиҳозланганлигига, фуқаролар учун яратилган шарт-шароитларга, атрофида спорт майдончалари ва кичик бизнес тармоқларининг мавжудлигига қаратилиб, холисона баҳоланди.

Қувончлиси, кўрик-танлов якунларига қўра, Зангиота тумани «Янги ҳаёт» маҳалласидаги 133-милиция таянч пункти «Намунали мили-



ция таянч пункти» номинацияси бўйича фолиб топилди, жамоага «Дамас» автомашинаси топширилди.

Шунингдек, тадбирда «Жасорат кўрсатган профилактика инспектори», «Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозongan энг фоал профилактика инспектори», «Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича энг фоал профилактика инспектори», «Жиноятчиликка қарши курашишда энг фоал маҳалла оқсоқоли», «Энг фоал маҳалла посбони», «Энг фоал диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Энг фоал хотин-қизлар кенгаши раисаси», «Замонавий милиция таянч пунктини ташкил этишда энг фоал иштирок этган ҳомий» номинациялари бўйича ҳам фолиблар аниқланди.

Ўз муҳбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Зангиоталик 133-милиция таянч пункти вакиллари бош соврин соҳиб бўлганликларидан фахрланишмоқда; тадбирнинг бадий қисмидан лавча; вилоятимиз ички ишлар ходимлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ёнида одамлар анча гавжум бўлди.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Тадбир

ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтидан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун мониторинги натижалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, қўш палата Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Самарқанд, Фаргона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Самарқанд ҳамда Фаргона вилоятларида мазкур Қонуннинг қўлланиш даражасини аниқлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уни тақомиллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди.

Беш йўналишда ўтказилган суровномада қатнашган, жами респондентларнинг 75 фоизи «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни тақомиллаштириш лозимлигини қайд эт-

гани таъкидланди.

Қонунда белгиланган айрим меъёрлар бугунги кун талабига жавоб бераётганлиги сабабли унинг янги тахририни ишлаб чиқиш зарурлиги, баъзи ваколатларни марказдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич топшириш, жойларда давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш, ҳокимият вакиллари органлари, ҳокимлар ваколатларига аниқлик киритиш, уларнинг зиммаларига юклатилган вазифалар ижросига учун масъулиятни ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Суҳбат якунида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни тақомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Партиялар ҳаётидан

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси Президентимизнинг «Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини амалга оширмоқда.

МАҚСАД — ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРИШ

Бўжа туманида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда ЎзЛиДеп депутатлик гуруҳлари аъзолари, партиянинг «Маҳалла» ва «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси масъул ходимлари, шунингдек, солиқ, адлия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда партия дастурида белгиланган вазифаларнинг самарали

бажарилишини таъминлаш, мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга етарли шароитлар яратиш, мулкдорлик манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш, хусусан, мамлакатда касаначиликни омма-лаштириш орқали аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш ва шу йўл билан турмуш даражасини янада юксалтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда тумандаги тадбиркор ва хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Равно ХОЛИҚОВА.

Долзарб мавзу

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Кейинги пайта дунёнинг кўпгина давлатларида «парранда гриппи» касаллиги қайд этилиб, юзага келган эпизоотик вазият барчани ташвишлантирмоқда.

Ушбу хавфли юқумли хасталик грипп касаллиги турига киритилгани бежиз эмас. Чунки, у кўплаб ўткир респираторли вирусли инфекциялар кўзго-чи касалликларга ўхшаб кетади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу хасталикка ниобатан қўлла-наладанг профилактика чоралари инсон вужудини «парранда гриппи»дан ҳимоя қилиш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозир ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп касаллиги тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кучайтирилган. Тошкент вилояти ДСЭН маркази ҳузурида ушбу касалликларга қарши кураш бўйича доимий фаолият юритувчи штаб кечаю кундуз ишлаб турибди.

Шуни қайд этиш керакки, бугун вилоятимизнинг паррандачилик саноати аҳолиимизни товуқ гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулот билан дерили тулик таъминлай олади. Шу билан бирга, деҳқон бозорларида сотилаётган барча гўшт ва сўт маҳсулотлари

(Давоми 2-бетда).

МУАММОЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Қибрай тумани ҳокимлигида Республика Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг жой-лардаги ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда худудлардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашди.

Суҳбат мавзуси маслаҳатчилар меҳнатини рағбатлантириш, оилада ота нуфузининг суғлаштириш бораётганлиги ҳамда никоҳ шартномасининг ҳаётимизда тугатилган ўрнига қаратилди. **Хурият МҮМИНОВА.**



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Кеча Юқоричирик тумани ҳокимлигида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят худудий бирлашмаси ва туман жамияти уюштирган мазкур семинар-тренингда маҳалла-лар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, савдо, тран-

порт ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, худуддаги корхона, ташкилот, муассасалар ходимлари, хусусий тадбиркорлар иштирок этдилар.

Қатнашчилар вилоятдан қатор бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларининг мавзуга оид маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб олдилар.

Навбатдаги шундай семинар-тренингни Янгийўл туманида ўтказиш режалаштирилган.

Тўғрич БЕК.

ОЛИЙ КУРСНИ БИТИРГАЧ

Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамкорлигида Сержантлар таркибининг тайёрлаш бўйича Олий курсларнинг вилоятимиз битирувчилари билан учрашув ўтказилди.

Тадбир очик, эркин савол-жавоблар тарзида ташкил этилганлиги боис, ўқишга кириш истагини билдирган ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳам тақлиф этилди. Улар ўз фарзандларининг ўқишга кириши, у ерда таҳсил олиши ҳамда ўқув юртини тамомлаб, қайси идорада ўз фаолиятини давом эттириши билан

боғлиқ саволларга соҳа мутасаддиларидан батафсил жавоблар олишди.

Ҳозир олий мактабни етита йўналиш бўйича 600 нафар сержант таъминламоқда. Улар жиноятга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда билим олмақда.

Ибодилла МҮМИНОВ.

МИНБАРДА СЕНАТОР

Бекобод туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг моҳияти, мақсад ва вазифалари муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда турли соҳа вакиллари билан иборат туман жамоатчилиги, маҳалла оқсоқоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Александр Фармонов сўзга чиқди. Таъкидланганидек, 2006 йил давомида туманда бир қатор бунёдкорлик ва ободонлаштириш ҳамда қатор хайрли тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, 5 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш,

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ер остидан катта ҳажмда сув тортиш қувватига эга насослар ўрнатиш, шунингдек, худудда 3 гектарли истироҳат боғини яратиш, юқумли касалликлар шифохонасини таъмирлаш ва қариялар уйини барпо қилиш қўзда тутилмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

ДАВОЛАНИШ УЧУН ГЕРМАНИЯГА БОРИШАДИ

"Friedensdorf International" халқаро нодавлат ташкилоти (Германия) Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ҳамкорликни давом эттирмакда.

Интернет тармоғидаги www.dinportal.de веб-саҳифасида хабар берилишича, жорий йилнинг февраль ойи бошида минтақада, жумладан, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи бир гуруҳ бемор болалар Германия шифоналарида даволаниш имкониятига эга бўлишади.

"national" томонидан бир йилда икки марта ана шундай бегараз ёрдам кўрсатилади. Унда бемор болалар Германияда ўз соғлигини тиклашлари баробарида муолажалар тугаганидан сўнг Оберхаузен шаҳридаги махсус реабилитация марказида ҳам бўлишади.

Баҳриддин АСЛАНОВ,
«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИ ЎЗЛИгини НАМОЁН ҚИЛДИ

Ҳиндистоннинг Махараштра штатида жойлашган Пуна университетиде халқаро ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда қатор хинд университетларининг талабалари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманида ўзбекистонлик талабалар томонидан тайёрланган маданий дастур ҳамда Ўзбек миллий таомлари кўргазмаси энг юқори баҳога сазовор бўлди.

Ушбу анъанавий ёшлар анжумани доирасида Ўзбе-

кстонда таълим соҳасида амалга оширилаётган иш-хотлар мавзусига бағишланган тақдирот ҳам ўтказилди. Унда тадбир иштирокчилари мамлакатимизда кенг қўлама амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти ва бу борада қўлга киритилаётган ижобий натижалар билан атрофлича таништирилди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.



Ангрэн шаҳар аҳолиси хонадонларини табиий газ билан таъминлаш қўламини ой сайин кенгаймоқда. Утган йилнинг иккинчи ярмидан бошланган бу хайри саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозиргача минглаб оилалар табиий газдан баҳраманд бўлди.

— Хонадонимизга табиий газ келиши оқибати эди, — дейди шаҳарнинг 5/4-даҳасидаги 14-уй, 9-хонадонда яшовчи Зулфия Бобонова. — Ниҳоят унга ҳам эришдик. Бу билан қатор қўлайликларга эга бўлдик.

МИННАТДОР БЎЛМЌҚДАЛАР

Вилоят ҳудудий газ таъминоти корхонаси, унинг Ангрэн шаҳар филиали ва «ТАГА» масъулияни чеклаган фирмаси ҳамкорликда катта ҳажмидаги ишларни амалга оширмакда. Фир-

ма жамоаси ўрта босимли газ қувурларини тортиш, газ тақсимлаш мосламаларини ўрнатиш билан шуғуланмакда. Мухандислар эса унинг ички қисмига газ тармоқларини, тақсимлаш

иншоотларини ўрнатиб, фойдаланишга топширмакда.

Бундай ҳамкорлик туйғайли ўтган йилнинг ўзидек қўл қаватли уйларида юзлаб хонадонлар «зангори

олов»дан фойдаланиш имконига эга бўлди. Шаҳарнинг етти даҳасида истиқомат қилувчи қўлаб оилаларнинг рўзгор ташвишлари енгилашди.

СУРАТДА: Зулфия Бобонова хонадонига зангори олов келганлигидан мамнун.

Даврон АХМАД олган сурат.

Уртачирчилик тадбиркор Зийеуҳаммад Мўминов Янги ҳаёт кўрғони ҳамда Тошкент йўли маҳалласидаги ўндан зиёд кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклардан иборат ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

ТАДБИРКОРГА ҲОМИЙЛИК ЯРАШАДИ

Шунингдек, Тўйтепа шаҳридаги икки қаватли савдо маркази З. Мўминовнинг саъй-ҳаракати билан янги-ча қиёфа касб этди. Марказ реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилди, турғун савдо шаҳобчалари барпо этилди.

Бу йил саховатпеша тадбиркор кинозал, спорткомплекс, истироҳат боғи ҳамда савдо дўконлари қуришни режалаштирган.

Хуришда НАЗАРОВА.

ТАРИХ ШОДАСИДАГИ ДУРДОНА

Тошкент Давлат техника университетининг «Маънавият ва маърифат» марказида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, «Олтин мерос» Республика ҳайрия жамғармаси, Тошкент давлат техника Университетининг «Маънавият ва маърифат» маркази қошидаги «Ёш экологлар клуби» ташаббуси билан «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон масалалари» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирга таширф бюрган сийасатчи ва олимлар узоқ тадқиқотлар самараси бўлиши қизиқарли фактларни ўртоқлашиш билан бирга кун тартибидеги мавзуга доир энг яхши илмий тадқиқот иши кўрик-танловни ўтказиш, унинг доирасида уюштирилган ёшлар экспедицияси натижалари бўйича Қаршидаги Табиат ва ўлкашунослик музейини янги экспонатлар билан бойитиш, Буюк Ипак йўлининг воқодалар ўтган қисмида янги экосайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳам муҳокама қилишлар.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ветеринария-санитария лабораторияларида текширувдан ўтказилмоқда.

«Парранда грип»нинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чораларидан энг самаралиси бу — профилактик тадбирдир. Ушбу касалликни юзага келтирувчи вирус ташқи таъсирга ўта чидамсиз бўлиб, юқори ҳароратда тез ўлади. Шу боис парранда гўштини истеъмол қилишдан олдин уни яхшилаб қозуриши ёки қайнатиш тавсия этилади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда «парранда грип» қайд этилмаган. Ушбу инфекциянинг худудимизга кириб келишига қарши барча керакли чоралар кўрилган. Бу хушёрликни сусайтириш мумкин, дегани эмас. Аксинча, профилактик ишларни амалга оширишга кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда аҳолининг эпизоотик-эпидемиологик хотиржамлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозим.

Ўз навабатида, вилоти-миз фуқароларига мутахассис сифатида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, саломатлигимиз ўз қўлимизда, фақат қуйидаги эҳтиёт

(Давоми.
Боши 1-бетда).



чораларига амал қилинса бас:

- илоҳи борица ёввойи паррандалар — ўрдақ, товук, гоз ва бошқаларга қўл теккизманг, бунинг илоҳи бўлмаган ҳолларда қўлларингизни яхшилаб ювинг, тана ҳароратингизни мунтазам назорат қилиб бординг, у 37,5° дан юқори бўлса, «врачга мурожаат қилинг»;
- уй паррандаларини боққанда, албатта, оғиз-бурун ниқобидан, кўзойнақдан, халтадан, резинка этик ва қўлқоплардан фойдаланинг»;
- химоя воситалари бўлмаса, оғиз ва бурунни кийим ёки рўмонча билан беркитинг, қўлларингизга ва пойабзал устидан полиэтиленли қопчалар кийинг, ювиладиган халатдан фойдаланинг»;
- товухонани йигиш-тирганингиздан сўнг, барча химоя либосларингизни

ечиб, қўлларингиз ва кийимларингизни ювинг, иложи бўлса душ қабул қилинг»;

- кийимларингизни совуқли сувада ювиб, қуритинг, фойдаланилган қўлқоплар, полиэтилен қопчалар ва энди кераксиз бошқа химоя воситаларини ёқиб юборинг»;
- кўп марта қўлланиладиган резина этиклар ва химоя кўзойнагини яхшилаб тозаланг»;
- паррандалар чиқиндиларини бир жойга йиғиб, 1 метр чуқурликдаги ҳандаққа қўминг»;
- парранда гўшти ва тухумдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш технологиясига қатъий риоя этинг».

Махмуд УЛМАСОВ,
вилот Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори.

Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари

ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди.

«Прокуратура тўғрисида» янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши натижасида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг камайганиги кузатилмоқда.

Агар 2000 йилда мамлакатимизда 31276 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган бўлса, 2005 йилга келиб 17863 тага тушиб, қарийб икки баробар ёки 42,9 фоиз камайди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаларида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш юзасидан белгиланган берилган устувор йўналишлар ва вакифалар суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада эркинлаштириш концепция-

лаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўлашга санкция бериш масаласига оид хориз амалиётига назар ташласак, ривожланган мамлакатларнинг барчасида бундай ваколат судларга берилганлигининг гувоҳи бўлаеми.

Ҳозирги кунда, дунёнинг 110 дан ортик мамлакатда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўлашга санкция бериш судлар ваколатига берилган. Фақат 17 мамлакат (уларнинг кўпчилиги МДХ давлатлари) қонунларида шахсни қисқа

вақт қамқоқда сақлашга прокурор томонидан санкция бериш амалиёти сақлаб қолинган.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги яна бир ўта муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини қўчийтиришидир. Қонунларнинг ижроси бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан амалга оширилади. Бундай процессуал ҳаракатларнинг ҳар бири қайси бир инсоннинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, қолаверса, шаъни ва қадриятини билан боғлиқ ҳолда кечади. бу жараёндаги масъулиятсизлик инсоннинг бегуноҳ жабр қўришига олиб қўлиши мумкин. Шу боис бу масала суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар жараёнда алоҳида эътиборга моликдир.

Мулкка нисбатан қарашларда эски иллатлардан ҳалос бўлиш ҳамда тадбиркорлик, тиҳорат ва хусусий секторга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймайлик, қўлай ҳуқуқий замин, имтиёз ва қафолатлар тизimini яратишга қаратилган ишлар исчи аламга оширирилмоқда. Ҳозиргача, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган бир неча Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди, тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати белгилан берилди. Тақдим этиладиган ҳисоботлар сони кескин қисқартирилди, улар ҳар ойда эмас,

балки ҳар чорақда тақдим этиладиган бўлди, ҳисоботни ноқонуний талаб этганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни қўлаш соҳаси кенгайтирилди. Давлатга етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаган тақдирда эса, тадбиркорлик субъектлари уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилишидан озоқ этилишлари белгиланди. Тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартрилди. Эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжалиklarнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ҳамда янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермерларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгиланди.

Ўтган вақт мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ишлохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда ҳали олдимизда бажаришимиз лозим бўлган қўлаб вакифалар турбиди. Улардан энг муҳими — жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришдир. Барча жабҳалардаги исчи ислохотларнинг бориши юзасидан аҳоли орасида тушунтириш ишларини кенгайтиришимиз, ислохотлар самараси энг аввало, аҳолининг ўндан негизли хабардор эканлиги билан узувий боғлиқлигини унутмаслигимиз лозим. Шу нуқта назардан соҳа мутахассисларнинг оммавий ахборот воситаларида таҳлилий чиқишларини қўлайтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни тўла амалга ошириш учун муайян вақт керак бўлади, албатта. Бу эса, барчамиздан келажақда қилинадиган ишларнинг фаолиятини текшириш билан боғлиқ таъдирда эҳтиёт бўлиш талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни таъминлашга оид қонунчиликка киритишни ва қўшимчалар қўтилган натижаларни бериши учун биз, ҳуқуқшунослар масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз лозим.

Президентимиз ўз маърузаларидан берида: «Биз бугун ҳуқуқий давлат қураёмиз. Ҳуқуқий давлатнинг пойдевори эса, мустаҳкам бўлиши керак», деган эдилар. Шундай экан, суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бугунги исчи ислохотлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришининг муҳим шарти эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Йўлдош НАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича вилот суди раиси.

Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчилар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ МАСЪУЛИЯТИ

Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда ҳудуддаги шифохона ходимлари иштирок этишди. «Соғлом она — соғлом фарзанд заминидир» мавзусидаги тадбирни ўтказишдан мақсад аёлларнинг соғлигини тиклаш, кизларнинг кийиниш маданияти, ёшларнинг соғлом қилиб тарбия-

лаш ишларини янада яхши йўлга қўйишдир. Тадбирда туман маслаҳатчилар кенгаши раисининг йиллик ҳисоботи тингланди ва йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, маҳалларда маънавий муҳитни соғломлаштириш ва бу масалаларга оид тарғибот-ташвиқ ишларини кучайтириш чора-тадбирлари



Белгилаб олинди. Тадбирда тумандаги А. Абдураҳмонов номили

28-умумтаълим мактабидан ўқувчилари томонидан тайёрланган сахна кўри-

нишлари намойиш этилди.
Мўмин ИБОДОВ.

СУРАТДА: тадбир қатнашчиларидан бир гуруҳи. Даврон АХМАД олган сурат.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 5 columns: DUŠANBA 30, SEŠANBA 31, ЧОРШАНБА 1, ПАЙШАНБА 2, ЖУМА 3, ШАНБА 4, ЯКШАНБА 5. Each column contains a list of TV programs with their start times and channel names like Ўзбекистон 1TV, ЁШААР, TOŠKENT, СПОРТ.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИНВЕСТИЦИОНЕРЛАРНИ ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси... Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Table with 5 columns: T/p, Корхона ёки объект номи, Жойлашган жойи (тум.шах.), Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкрий мажмуа тарзида бериш тартиблари, Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик), Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм), Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати (йил).

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишигиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси. Телефонлар: 133-08-65, 133-67-22, 132-06-76

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция киритиш мажбурияти эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 18 январда ўтказилган танлов натижаларига қўра, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган "Бўстонлик туман боғдорчилик" МЧЖнинг 100 фоиз - давлат активи бўйича бир йил муддат ичида жами 75000 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 16 январдаги 11-0622/372-сонли иши ажратилган асосан, Чиноз туманида жойлашган "Чиноз матлуботсавдо" МЧЖга нисбатан банкротлик таъминли қўлланлиб, қузатув жорий қилинган. Шу муносабат билан 2006 йил 24 февраль соат 11:00 да "Чиноз матлуботсавдо" МЧЖ бинасида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишга кредиторлар ишонचना билан қатнашишлари шарт. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор кўчаси. Маълумот учун телефонлар: (8-260) 36-529, 135-81-19.

Тошкент туманидаги Гуломмахмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалиги (ОКПО 05934575) фермер ҳўжалиқлари айлантирилиши муносабати билан ТУГАТИЛАДИ. Гуломмахмуд Абдуллаев номи ширкат ҳўжалигининг кредиторлари ва мулк пай улуши эгалари талабномалари 2 ой муддатда Ф. Абдуллаев номи ширкат ҳўжалиги туғатиш комиссияси томонидан Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ф. Абдуллаев кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.

